

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАРИМАНОВ БЕКЗОД АБДУВАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy
(PhD)**

Нариманов Бекзод Абдувалиевич

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг
ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....3

Нариманов Бекзод Абдувалиевич

Совершенствование организационно-правовых основ
негосударственных некоммерческих организаций в Узбекистане.....25

Narimanov Bekzod Abduvalievich

Improving the organizational and legal framework of non-state
non-profit organizations in Uzbekistan.....43

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАРИМАНОВ БЕКЗОД АБДУВАЛИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Үи403 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусаев Бекзод Турсунбоевич,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Мухамедов Ўткирбек Хазраткулович,
юридик фанлар доктори, профессор

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич,
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Үи.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 27 ноябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (938-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил «12» ноябрда тарқатилди.

(2020 йил «12» ноябрдаги 7-рақамли реестр баённомаси).

Р.Р.Хакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

И.Р.Беков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор в.б.

М.А.Ахмедшасева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нодавлат нотижорат ташкилотлари «учинчи сектор» сифатида жамият ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий, экологик ва маданий-маърифий муаммоларни ҳал қилиш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали «эзгу бошқарув» концепциясини амалга ошириш, БМТнинг 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари ва уларга боғлиқ бўлган 169 вазифаларни бажаришда давлатга асосий кўмакчи сифатида белгиланган¹. Мазкур вазифаларни бажариш зарурати айниқса COVID-19 пандемияси вақтида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватловчи волонтерлик ҳаракатлари шаклида ўзининг самарадорлигини кўрсатди.

Жаҳонда жамоатчилик назоратини таъминлаш, жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки масалалари юзасидан қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари нисбатини аниқлаш, жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш воситаларини кенгайтириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, уларнинг жамоатчилик билан маслаҳатлашув ва эшитувларини инновацион шакл ва усулларини ишлаб чиқиш, соҳага «ақлли бошқарув» концепцияларини жорий қилиш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда «Жамият – ислоҳотлар ташаббускори» деган янги ғояни ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги устувор вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокини таъминлаш, уларни давлат ҳокимияти билан мулоқотини кенгайтириш, «халқ дипломатияси» институтини ривожлантириш, жумладан мамлакатни нуфузли халқаро рейтингларда эгаллаган ўрнини яхшилашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш, давлат ҳокимияти органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг мустақиллиги ва улар фаолиятига аралашмаслик принципларига қатъий риоя қилиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш»² масалалари устувор вазифа этиб белгиланган бўлиб, мазкур вазифалар ушбу соҳага замонавий ахборот

¹ <http://www.un.uz/uzb/pages/display/sdgs>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

технологияларини татбиқ қилиш ва бу борадаги қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштиришни долзарб этиб белгиламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни (1999), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5980-сон (2020) Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4473-сон (2019), «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2085-сон (2013) қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солишнинг конституциявий-ҳуқуқий ва маъмурий-ҳуқуқий масалалари Ш.Якубов, Ш.Назаров, Д.Холмонова, Л.Б.Хван, Ж.Неъматов, З.Маҳмудов, Н.Садықов, Л.Котовалар томонидан, фуқаролик жамияти институтлари, уларнинг назарий-ҳуқуқий асослари А.Х.Саидов, С.М.Адилходжаева, Ҳ.Б.Бобоев, О.Т.Хусанов, Х.Т.Одилқориев, Ш.И.Жалилов, З.М.Исломов, Б.И.Исмоилов, Ф.Х.Рахимов, А.А.Тўлагановлар³ томонидан тадқиқ қилинган.

Хорижий мамлакатлар олимларидан Morris-Suzuki T., Davies T. R, Cernea M. M., Tvedt T., Tesseur W., Матвеева Т. Д., Оспанова Д. К., Калинина О. Е., Е. Г., Ford M. T., Абрамова О. Р., Каменева В.М., Тарханова Е. Г., Lewis D, Bostock, J., Teicher, J., Liang, X., Joachim, J., Billis D., Awasthy P., Anheier Н. К., Toepler S. ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ноҳуқумат ташкилотлар ва «учинчи сектор»нинг жамият ҳаётидаги ўрни, замонавий тенденциялари, волонтерлик ҳаракатлари, ушбу ташкилотларни ташкилий-ҳуқуқий асосларига оид ривожланган давлатлар тажрибаси тадқиқ қилинган⁴.

Шунга қарамасдан, замонавий шароитларда нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкилий-ҳуқуқий асосларини конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ нуқтаи назаридан такомиллаштириш, хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаси ва халқаро стандартларни таҳлил қилган

³ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

⁴ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини такомиллаштириш масалалари комплекс тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилиб илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нодавлат нотижорат ташкилотлари тарихи ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари тушунчаси ва улар фаолиятининг ҳуқуқий табиатига оид комплекс тадқиқотлар ўтказиш;

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиши, унинг босқичларига тизимли баҳо бериш;

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, уларни ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳуқуқий тартиботини такомиллаштириш истиқболларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатига ҳуқуқий баҳо бериш, мавжуд амалиётни таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан боғлиқ маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш истиқболлари бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш йўллари таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда Конституциявий ҳуқуқда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ

этиш, сўровнама, индукция, дедукция ва статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни электрон платформа асосида электронлаштириш зарурлиги асосланган;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасига ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотларига ўн ёшга тўлган шахслар ихтиёрий аъзо бўлиши мумкинлиги асослаб берилган;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудий филиалларини рўйхатга олиш бўйича амалдаги тартибини бекор қилиш зарурлиги асосланган;

нодавлат нотижорат ташкилотлари рамзини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида ваколатли орган томонидан рамзнинг тавсифига оид ҳужжатни талаб қилиш амалиётини бекор қилиш лозимлиги асослаб берилган;

нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокчиларининг аъзолик бадаллари спортга ихтисослашган давлат таълим муассасалари ҳузуридаги ННТларининг молиялаштириш манбалари ҳисобланиши зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нодавлат нотижорат ташкилотини (жамоат фондидан ташқари) ихтиёрий тугатиш унинг таъсис ҳужжатларида бунга ваколат берилган юқори орган қарорига биноан, мажбурий тугатиш эса – суд қарори асосида амалга оширилиши зарурлиги асосланган;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини рўйхатга олиш, уларни рўйхатдан ўтказувчи органлар билан ўзаро муносабатларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунига қатъий риоя қилиш зарурлиги асослаб берилган;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш муддатини ўн беш кунга камайтириш зарурлиги асослаб берилган;

рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан электрон тизим орқали юбориладиган ёки унда шакллантириладиган электрон ҳужжатларда (хабарнома, билдиришнома, карточка, хат ва бошқаларда) QR-код (матрицали штрих код) ва идентификация рақамлари бўлиши кераклиги асосланган;

нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган суд қоиди тарихида мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг (сиёсий партиялар ва касаба уюшмалари бундан мустасно) таъсисчилари ёки бошқарув орган аъзолари ёхуд раҳбарини тугатувчи этиб тайинлаши зарурлиги асосланган;

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомдан тугатиш баланси нодавлат нотижорат ташкилотининг юқори органи томонидан тасдиқланиши тўғрисидаги талабни бекор қилиш зарурлиги асосланган;

халқаро, республика, ҳудудлараро нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамда халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхонаси ва филиалини тугатиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан, шунингдек бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тўғрисидаги қарор эса тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан қабул қилиниши зарурлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунини «Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан нодавлат нотижорат ташкилоти билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатиш» деб номланган модда билан тўлдириш зарурлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлил қилинган, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, натижаларнинг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб бориш, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ, Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқи, Конституциявий ҳуқуқ фанининг долзарб илмий-амалий муаммолари фанларини ўқитиш ва илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар қуйидагиларда фойдаланилган:

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни электрон платформа асосида электронлаштириш зарурлигига оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс лойиҳасининг 10-моддасини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 9/4-3/5-3018-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ННТга давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ жараёнларни электронлашувига хизмат қилади;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасига ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотларига ўн ёшга тўлган шахслар ихтиёрий аъзо бўлиши мумкинлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги «Давлат таълим муассасалари ҳузурида спорт клубларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 542-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат таълим муассасалари ҳузуридаги спорт клублари тўғрисида»ги низомнинг 17-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 02-07-08-2179-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши спорт клуби шаклидаги ННТларига аъзолик ёшини белгилашга хизмат қилган;

ННТларининг ҳудудий филиалларини рўйхатга олишнинг амалдаги тартибини бекор қилишга оид таклиф Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс лойиҳасининг 18-моддасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 9/4-3/5-3018-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ННТларининг ҳудудий бўлинмаларини давлат рўйхатидан ўтказишдек ортиқча ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади;

ННТлари рамзини давлат рўйхатидан ўтказишда рамзнинг тавсифини тақдим қилиш тартибини бекор қилиш зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс лойиҳасининг 62-моддасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 9/4-3/5-3018-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ННТлари рамзларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни соддалаштиришга хизмат қилади;

таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари ҳамда талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлари ва спорт клубларига аъзолик бадаллари давлат таълим муассасалари ҳузурида ташкил этиладиган спорт клубларининг молиялаштириш манбалари бўлиши зарурлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 июлдаги «Давлат таълим муассасалари ҳузурида спорт клубларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 542-сон қарори 5-бандини, мазкур қарор билан тасдиқланган «Давлат таълим муассасалари ҳузуридаги спорт клублари тўғрисида»ги низомнинг 7, 10, 20-бандини ҳамда 25-27-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2020 йил 17 августдаги 02-07-08-2179-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши ННТ шаклидаги спорт клубларининг молиялаштириш манбаларини аниқлаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда

8 та (2 та хорижий нашрларда) ва тўпламлар таркибида 6 та илмий мақолалар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Нодавлат нотижорат ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланишининг ҳуқуқий табиати»** деб номланиб, унда нодавлат нотижорат ташкилотлари тарихи ва ривожланиш тенденциялари, нодавлат нотижорат ташкилотлари тушунчаси ва улар фаолиятининг ҳуқуқий табиати, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ташкилий-ҳуқуқий асосларининг ривожланиши каби масалалар таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш бу – биринчидан, инсоннинг табиий эҳтиёжидан келиб чиқса, иккинчидан, жамиятга бирлашган бошқа инсонларга ёрдам беришга қаратилган инсонгагина хос бўлган хусусиятларни намоён қилади.

Тадқиқотчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг жаҳон тарихида тутган ўрни ва уларнинг тарихий ривожланиш тенденциялари ҳақида жуда кўплаб қарашлар ва олимларнинг (Ш.Якубов, Ш.Назаров, Т. R.Davies, Т.Tvedt, P.Willeets, A.Kuruvila, W. D. Eberwein, B. A Reinalda, W.Tesseur, E. Г.Тарханова, М.Т. Ford, S.Adu-Gyamfi, D. B.Awuah, К.Амакье-Boateng) фикрларини таҳлил қилган ҳолда, мазкур институтнинг ривожланишига давлатнинг ҳуқуқий тизими, унинг ҳуқуқий ривожланиш даражаси, демократик ғояларни амалга ошириш бўйича жамият аъзоларининг ташаббускорлиги каби омиллар ижобий таъсир кўрсатган деган фикрни илгари суради.

Тадқиқотчи ННТларининг ривожланиши бўйича америка, европа, осие моделарини ажратиб кўрсатган ҳолда, уларнинг ҳар бирининг ривожланиш тенденциялари хилма-хил шаклда бўлса-да, лекин умумий мақсад жамият ҳаётида ўзини ўзи бошқариш, муаммоларни ҳал қилиш, аҳолини қийнаётган масалаларни биргаликда ижобий ечимини топиш каби эзгу мақсадлар бирлаштиришини қайд этади.

Ўзбекистон худудида ҳам ННТларининг ривожланиш тенденцияси ҳар бир тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ривожланганлиги таҳлил қилиниб, ушбу соҳанинг мамлакатимизда ривожланишига ислом маданияти, вақф институтининг жорий қилиниши, XX аср бошларида вужудга келган жаҳидлик ҳаракатлари билан боғлиқлигини асослаб беради.

ННТлари тушунчасининг мазмуни ва ўхшаш тушунчалар билан ўзаро боғлиқ ва фарқли жиҳатларини таҳлил қилишда тадқиқотчи ушбу соҳада изланишлар олиб борган тадқиқотчилар (Ш.Якубов, Ш.Назаров, Е.В.Нелюбина, L.M. Salamon, S.W., Sokolowski, Т.Д.Матвеева, О.С. Андреева, А. Ware)ни нуқтаи назарларини тадқиқ қилиб, бугунги кунда ННТларининг ривожланиш моделларидан келиб чиққан ҳолда «жамоат бирлашмалари», «нодавлат нотижорат ташкилотлари», «нотижорат ташкилотлари», «ноҳукумат ташкилотлар», «учинчи сектор» каби тушунчалар мавжудлигини қайд этади.

Нодавлат ташкилотларни «учинчи сектор» сифатида тан олиш ва уларни жамият ҳаётида тутган ролини ошириш бўйича юз бераётган тенденциялар ҳақида сўнгги йилларда ўтказилган йирик тадқиқотларни (А.М., Bach-Mortensen, В.С. Lange, ва Р., Montgomery, J., Han, . Milligan ва К.Hulseлар, J.Bostock, R.Breese, R.Ridley-Duff ва P.Crowther, J.Teicher ва X.Liang) таҳлил қилган ҳолда, бугунги бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда ижтимоий жиҳатдан ночор қатламни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш мажбуриятини ННТлари ўз зиммасига олиши ҳукумат, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқади, деган хулосага келинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамоат бирлашмаларига аъзолик масалаларида ихтиёрийлик принципига асосланиш конституциявий даражада белгиланмаганлиги кўрсатилган ҳолда, ихтиёрийлик принципи фақат касаба уюшмасига аъзолик масаласида баён қилинган (59-модда). Тадқиқотчининг фикрича, амалиётда ушбу соҳада юз берган ҳолатлар ва ННТларига берилаётган эътиборни ҳисобга олган ҳолда бундай муҳим принципни конституциявий норма даражасида жамоат бирлашмасига ихтиёрий аъзоликни белгилаш сифатида мустаҳкамлаш талаб қилинади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий табиати унинг тушунчаси ва ташкил қилиниш принциpidан келиб чиқиб, шунингдек ННТнинг таъсисчиси давлат саналмайди, балки мустақил субъектлар саналиб, ушбу субъектлар давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлмаслиги кераклигини қайд этади. Мазкур нуқтаи назарнинг муҳимлигини тадқиқотчи ННТларини Омбудсман, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши каби ташкилотларнинг функциялари ва фаолият мақсадлари билан қиёсий таҳлил қилган ҳолда кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

Диссертант «нодавлат ташкилотлар», «ноҳукумат ташкилотлар», «нодавлат нотижорат ташкилотлари», «жамоат бирлашмалари»

тушунчаларининг мазмун-моҳиятини англаш, улар ўртасидаги ўхшаш ва фаркли жиҳатлари, ушбу ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини яратишда тутган ўрнига бағишлаб ўтказилган тадқиқотларда (Ш. М. Асьянов ва М. Ш. Куликова, Ю.В.Ботнев, Т.Д.Матвеева, О. С. Андреева, А. Ware, Е.В.Нелюбина, Ж. У. Нурумканова, J. Joachim, Д. К. Оспанова) илгари сурилган нуқтаи назарларни қиёсий таҳлил қилган ҳолда, ҳуқуқ устуворлиги принципининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчиликда ҳам «ноҳукумат нотижорат ташкилотлар» тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келган.

Ўзбекистон қонунчилигида халқаро тажрибада кенг фойдаланиладиган «ноҳукумат ташкилотлар», «нотижорат ташкилотлар» тушунчаси мавжуд эмас. Миллий қонунчиликда «нодавлат нотижорат ташкилотлари» тушунчасига устуворлик берилган. Лекин, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ва ривожланган давлатлар тажрибасида «ноҳукумат ташкилоти» тушунчасига урғу берилиши ва айнан ушбу тушунча орқали фуқаролик жамияти институтларидан бирини назарда тутиш ҳуқуқий амалиёти мавжуд. Ушбу тушунчани ифодалашда қўлланиладиган ёндашув турли давлатларда турлича бўлсада, лекин миллий ҳуқуқий амалиётдан келиб чиқиб «ноҳукумат нотижорат ташкилотлар» тушунчасини қонунчиликда белгилаш таклиф қилинади.

Диссертантнинг фикрича, «ноҳукумат нотижорат ташкилоти бу – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқарувчи ташкилоти» деган таърифни илгари суриш мақсадга мувофиқ саналади.

Тадқиқотчи фикрича, миллий қонунчиликда юридик шахсларнинг ННТини ташкил этиш бўйича ташаббускор сифатида иштирок этиши мумкинлигига оид масала очиқ қолган. Ушбу ҳолат халқаро ҳуқуқ нормаларида ноҳукумат ташкилотлар тузиш бўйича белгилаб берилган қоидаларга ҳам зид саналади. Шу боис, қонунчиликда юридик шахсларни ННТини тузишда ташаббускор бўлиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш илгари сурилади.

ННТ фаолиятини ташкил қилишнинг ҳуқуқий табиатидан келиб чиққан ҳолда улар фаолиятининг асосий принциплари сифатида қуйидагиларни белгилаш таклиф қилинади: қонунийлик; ихтиёрийлик; рўйхатдан ўтказишнинг шаффофлиги; камситишга йўл қўймаслик; фаолиятнинг очиқлиги.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил**» деб номланиб, унда Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳуқуқий тартиботи, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат

органлари билан ўзаро муносабати, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини тугатишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан ушбу боб доирасида сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини либераллаштиришда асосий эътибор уларнинг ташкил этилиши ва фаолиятини юритишда давлат таъсирини минимал даражага тушириш тенденцияси кузатилаётганлиги асослаб берилган.

Диссертант мазкур нуқтаи назарни сўнгги беш йилликда ривожланган давлатларда ўтказилган тадқиқотлар натижалари (Lyons M., Anheier H. K., Seibel W., Billis D. Pestoff V., Brandsen T., Hodges J., Howieson B. Kenny S., Taylor M. ва бошқалар) ҳам кўрсатиб беришини таҳлил қилиб, жаҳон тажрибасида ННТнинг ташкилий-ҳуқуқий асосини шакллантириш ва уни ривожлантириш кўп жиҳатдан сиёсий жиҳатдан эмас, балки иқтисодий жиҳатдан асосланиш тенденцияси кузатилаётганлигини қайд этади.

Бундан ташқари, давлат ҳокимияти ва ННТ ўртасидаги муносабатларни ўзига хослиги, давлатнинг ушбу фаолият соҳасига кўрсатадиган таъсири даражаси ва аралашувини чеклаш, ННТлари ташкилий-ҳуқуқий шакллари масалаларига бағишланган тадқиқотлар (Najam A., Zimmer A., Brandsen T., Pestoff V., Egdell V., Dutton M., Phillips S., Smith S. R ва бошқалар)да фуқароларнинг соғлиғини сақлаш, жисмоний маданият ва спортни ривожлантириш, фуқароларнинг маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларини қондириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, низоларни ҳал қилиш, юридик ёрдам кўрсатиш, шунингдек хайрия ёрдамларини кўрсатиш ва бошқа мақсадларга эришишда давлат ННТлари билан ижтимоий шерик сифатида тенг муносабатларга киришаётганлиги кўрсатиб ўтилади.

Миллий қонунчиликда «юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли» тушунчаси мавжуд эмаслигини асослаб, диссертант, нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари деганда, умумий ҳуқуқий назариядан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ННТнинг фаолиятини тартибга солиш мақсадида улар риоя қилишлари зарур бўлган ташкилий ва ҳуқуқий шартлар тизими деган таърифни илгари суради.

Хорижий давлат қонунчилиги тажрибаси шуни кўрсатдики, қонунчилик даражасида ННТларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари ажратиб, уларни таснифлаш тажрибаси асосан МДХ давлатлари тажрибасида учрайди. Бундай фарқлаш ва таснифлаш тажрибасини Европа давлатлари ва англо-саксон давлатлари қонунчилигида аниқ белгилаб берилмаганлигини қайд этиш зарур. Ушбу давлатларда фақатгина ноҳуқумат ташкилотлар ёки учинчи сектор тушунчасига умумий таъриф берилган бўлиб, фаолият мақсади ушбу тушунчага мос келган ҳар қандай ташкилот ноҳуқумат ташкилот сифатида тан олинади. Ушбу нуқтаи назарни N.Kolleck ва M.Lyons томонидан ўтказилиб эълон қилинган тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлайди.

Жамоат фондлари, муассаса, уюшмалар (иттифоқлар), ҳомийлик ташкилоти ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг хусусиятлари, бир-биридан фарқи,

ўзига хослиги масалалари таҳлил қилинган ҳолда, уларнинг ҳар бирини ташкил қилишдаги муаммоли вазиятлар, қонунчиликдаги бўшлиқларни кўрсатиб беради.

Жумладан, диссертантнинг фикрича, миллий қонунчиликда ННТларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари фарқлаш, уларни тузаётган ташаббускорларга аниқ йўналиш берувчи нормалар, яъни қонунчиликда аниқликлар етарли эмас. Бу эса ўз навбатида, ҳатто мутахассислар томонидан ҳам ННТларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари фарқламаслик, бир-бири билан чалкаштириш ҳолатлари учраб туради. Тадқиқотчининг фикрича, агар қонун чиқарувчи барча ташкилий-ҳуқуқий шакллари ажратиш амалиётини сақлаб қоладиган бўлса, миллий қонунчиликка ягона кодификациялашган Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодексни қабул қилиш, унда ННТларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, фарқларини ва фаолият йўналишларини белгиловчи принцип ва концептуал қоидаларни киритиш зарур, деган нуқтаи назарни илгари суради.

Диссертант ННТлари ва уларнинг рамзларини рўйхатга олиш жараёнини таҳлил қилган ҳолда, ушбу соҳада кўрсатиладиган барча давлат хизматларининг шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлаш мақсадида, мазкур жараённи тўлиқ электронлаштиришни, ННТнинг ташаббускорларига қўйилган талабларни аниқлаштириш, рўйхатга олишни рад этишнинг аниқ мезонлари ва ушбу жараённинг очиклигини таъминлашни таклиф қилади.

Бугунги кундаги талабларга мувофиқ, ННТни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари сифатида илгари худди шу номдаги нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхатдан ўтказилганлиги санаб ўтилган. ННТларини рўйхатга олишда унинг номи нодавлат нотижорат ташкилоти бўлмаган юридик шахснинг номи билан бир хил бўлиб қолиши ҳолатлари юзага келиши мумкинлигига эътибор қаратиб, бу ҳолда рўйхатдан ўтказувчи орган нодавлат нотижорат ташкилоти номига эътироз қила олмаслигини қайд этади. Оқибатда, деярли ўхшаш номга эга бўлган иккита юридик шахс юзага келишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, миллий қонунчиликда нодавлат нотижорат ташкилотининг номи давлат ташкилотининг номи билан бир хил бўлиб қолишини чекловчи нормалар мавжуд эмас.

Юридик шахснинг номига қўйилган талаблар «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунда тўлиқ ва ҳар томонлама инобатга олинган ҳолда акс этган. Шунга кўра, «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунда қўйилган талабларни ННТга нисбатан ҳам татбиқ қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддасига асосан давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳақидаги маълумотлар ҳамма танишиб чиқиши учун очик бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилиши ҳамда мазкур реестрда қуйидагилар кўрсатилиши қайд қилинган: таъсис этилган сана; номи ва жойлашган ери; раҳбар органлари; вакиллар сифатида иш олиб боришга ваколатли шахслар; фаолият соҳаси.

Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш

тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-7-иловаларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг турига қараб уч хил реестр берилганлиги ҳамда ушбу реестрларда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар қонунга кўра реестрда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлардан кўпроқ маълумотлар кўрсатилиши назарда тутилган.

Шу сабабли, тадқиқотчи томонидан юқоридаги қонун ҳужжатларининг нормаларини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг реестрини ягона шаклга келтириш таклиф қилинади.

Диссертант томонидан халқаро тажриба ва доктринал қарашлардан келиб чиққан ҳолда нодавлат нотижорат ташкилотларини фаолият кўрсатиш ҳудудидан келиб чиққан ҳолда вилоятлараро, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудларида фаолият олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчасини қонун ҳужжатларидан чиқариб ташлаган ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотини фақат ҳудудий, республика ва халқаро каби турларга ажратиш таклиф қилинган.

Диссертант томонидан АҚШ ва Германия давлатлари тажрибалари таҳлили асосида, нодавлат нотижорат ташкилотининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган бўлинмаларини ҳисобга қўйиш институтини бекор қилиш таклиф қилинган.

Диссертант томонидан ННТлари ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишга қаратилган бир қатор тадқиқотларни (К.А. Черепов, Ш.У.Якубов, Р. Nair, D. Mullins ва V. Milligan, McDonald ва G. Marston, Н. К. Anheier, S. Toepler, S. W. Sokolowski) таҳлил қилган ҳолда, икки асосий моделни кўрсатиб ўтади: **биринчи модел** бу аксарият МДХ давлатларида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини назорат қилиш ва уларнинг давлат бошқарув органлари олдида ҳисобдорлиги тенденцияси; **иккинчи модел** хусусиятларини ривожланган хорижий давлатлар тажрибасида кузатиш мумкин. Унга кўра нодавлат нотижорат ташкилотларида ўзини ўзи назорат қилиш ва кенг жамоатчиликка ҳисобдорлик тартиби ўрнатилган. Истиснолар хорижий агентлар ва хорижий молиявий манбаларга тааллуқли ҳисобланади.

Диссертант Ўзбекистонда давлат органлари ва ННТ ўртасидаги муносабатларни қуйидаги гуруҳларга ажратади: давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини рўйхатга олишга оид маъмурий тартиб-таомиллар; давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотларини назорат қилишга оид муносабатлар; давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий шерикликка оид муносабатлар.

Диссертациянинг учинчи боби **«Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш истиқболлари»** деб номланиб, унда Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан боғлиқ маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш истиқболлари, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий

механизмларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган.

Мазкур боб доирасида ННТларини ташкил қилиш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ маъмурий тартиб-таомилларнинг ўзига хослиги, ушбу соҳадаги қонуности ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги Қонуни нормаларига қанчалик мос келиши танқидий таҳлил қилинган. Муаллиф ушбу соҳада ўтказилган тадқиқотлар (Ю.Н. Стариков, Ж.Нематов, Л.Хван, С.Муратаев, В.М. Манохин, В. Садушкин, S. J. Balla, Howard N. Fenton, Jr R de Figueiredo)ни таҳлил қилган ҳолда, ННТлари фаолиятини рўйхатга олиш, уларни рўйхатдан ўтказувчи органлар билан фаолиятини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонунига қатъий риоя қилиш зарурлигини қайд этади. Бундан ташқари барча ушбу соҳани тартибга солувчи қонуности ҳужжатларини мазкур махсус қонуннинг нормалари ва принципларига мослаштириш талаб қилинади. Шунингдек, қабул қилиниши режалаштирилган Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги кодекс нормаларини ҳам мазкур қонун талаблари ва принциплари асосида қабул қилиш таклиф қилинади.

Диссертант бугунги COVID-19 пандемияси даврида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уларнинг рамзларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ барча маъмурий тартиб-таомилларни электрон шаклда амалга ошириш билан боғлиқ нормаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарурияти янада долзарб эканлигини кўрсатиб беради.

Шу боис, рўйхатга олувчи орган билан боғлиқ барча давлат хизматлари ҳам махсус сайт орқали амалга оширилиши ва идоралараро электрон тизимга киритилган барча маълумотларни интеграция қилиш, ННТ томонидан давлат органларига ягона электрон тизим орқали «ягона дарча» принципи асосида ҳисобот тақдим қилиш ҳамда мазкур электрон тизимни тегишли давлат органларининг базаларига интеграция қилиш таклиф қилинади.

ННТларини ижтимоий фойдали деб топиш шартлари ва асосларини таҳлил қилган ҳолда, ижтимоий фойдали деб эътироф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларига ушбу соҳада норматив-ҳуқуқий базанинг шаклланганлиги; ижтимоий фойдали деб эътироф этиш тартиби; мазкур соҳада қарор қабул қилувчи органлар; рўйхатга олиш ёки сертификатлаштириш тартиби; ижтимоий фойдали ташкилотга нисбатан давлат томонидан кафолатланган имтиёзлар киришини кўрсатиб ўтган.

ННТларини ижтимоий фойдали деб эътироф этиш ва солиқ имтиёзларини тақдим этиш масалалари бўйича Германия, Нидерландия, Франция, Дания, Ирландия, Португалия, Швеция тажрибаси ва ўтказилган тадқиқотлар (D.Morris, D.Moog, С.Н. Немгирова) асосида мамлакатимизда ННТларининг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш ҳамда жамият ривожланишига қўшган ҳиссасини инобатга олган ҳолда улар фаолиятини ижтимоий фойдали деб топиш учун баҳолаш мезонлари ва методологияларини ишлаб чиқиш, шу асосда уларга солиқ ва бошқа имтиёзлар бўйича янги тизимни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Диссертантнинг фикрича, ушбу тавсия бериш ваколатини ЎзННТМАга бериш мақсадга мувофиқ саналади.

ХУЛОСА

«Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги тадқиқот иши натижасида қуйидаги амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар

1. Халқаро тажриба ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган ҳуқуқий ёндашувлардан келиб чиққан ҳолда қайд этиш зарурки, миллий қонунчиликда белгиланган «нодавлат нотижорат ташкилотлари» тушунчаси ва унинг моҳияти халқаро тажрибада қўлланилаётган «ноҳукумат ташкилотлар», «учинчи сектор» каби тушунчалар билан бир маънога эга бўлиб, улардаги хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида жамоат бирлашмаларига аъзолик ихтиёрийлик принципига асосланишига оид норма белгиланмаган. Асосий қонунда ихтиёрийлик принципи фақат касаба уюшмасига аъзолик масаласида баён қилинган. Бизнингча, ихтиёрийлик принципи Конституциявий даражада аниқ белгиланмаган бўлса-да, миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, ННТларининг ҳуқуқий моҳияти ҳар қандай ҳолатда ҳам ННТларига аъзоликнинг ихтиёрийлиги принципига асосланиши зарурлиги фундаментал масаладир.

3. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги иштирокининг асосий шарти ижтимоий, ҳомийлик, маданий ва бошқа ижтимоий муҳим функциялари фаолиятининг тижорат турларидан устунлиги бўлганлиги сабабли фуқаролик қонунчилигига нотижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятини эмас, балки қўшимча хўжалик фаолиятини ёки бошқа, қўшимча даромад келтирадиган фаолиятни олиб боришлари мумкинлигига оид тегишли ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ саналади.

4. Нодавлат нотижорат ташкилотлари соҳасида мамлакатимизда амалга оширилган қонунчилик ислохотларининг ривожланиш даври ва хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда ушбу жараёни шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин: Биринчи босқич 1991 йилдан 2010 йилгача, иккинчи босқич 2010 йилдан 2017 йилгача, учинчи босқич 2017 йилдан ҳозирга қадар деб даврлаштириш мумкин.

5. Миллий қонунчиликда «ННТларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли» тушунчаси мавжуд эмас. Бизнингча, нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари деганда, *«умумий ҳуқуқий назариядан келиб чиққан ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ННТнинг фаолиятини тартибга солиш мақсадида улар роя қилишлари зарур бўлган ташкилий ва ҳуқуқий шартлари тизими»* деган таърифни илгари суриш мумкин.

